

Бақара сураси, 104-оят

09:05 / 30.10.2017 4348

Эй иймон келтирганлар! «Роъина», - деманглар, «унзурнаа», - денглар ва қулоқ солинглар. Ва кофирларга эса аламли азоб бўлур. Бақара 104.

Ўтган оятларда мўмин-мусулмонларга кўпгина дарслар берилди. Бану Исроил билан бўлган муносабатлар айтиб ўтилди. Бу оятда эса биринчи бор мўмин-мусулмонларга:

«Эй иймон келтирганлар», - дея хитоб қилиняпти. Айни чоғда, яҳудийларнинг мусулмонларга, Исломга қарши олиб борадиган ҳийла-найранглари, кирдикорларини фош қилишда давом этилмоқда.

«Роъина», - деманглар, «унзурнаа», - денглар ва қулоқ солинглар».

Ушбу ояти кариманинг маъносини тўлиқ ва аниқ тушуниш учун у келгунча бўлиб ўтган ҳодисаларни ҳамда қўштирноқ ичидаги у икки сўзнинг маъноларини яхшилаб ўрганиб чиқиш керак.

Имом Абу Баракот Насафий ривоят қиладиларки, саҳобаи киромлар ўрганишлари лозим бўлган нарсаларни сабоқ олсалар, Пайғамбаримиз алайҳиссалоту вассаломга «роъина», яъни «Кузатиб туринг, тушуниб, ўзлаштириб олайлик», - дейишар экан. Аммо пасткаш яҳудийлар мусулмонларни таҳқирлаш учун шу ҳолатдан ҳам фойдаланишибди.

Улар Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келганларида ўзларининг иброний тилларида худди «роъинаа» каби талаффуз этиладиган, лекин сўкиш, масхара маъносида ишлатиладиган сўзни айтадиган бўлишибди. Сиртдан худди саҳобаи киромларга ўхшаб, «Кузатиб туринг, қараб туринг», деган бўлишади-ю, аслида ниятлари у кишини сўкиш, масхара қилиш бўлади. Шунда Аллоҳ таоло мусулмонларга «роъина» сўзини шу маънодаги «унзурна» деган лафз билан алмаштиришни буюрди. Яъни «Бизни риоя қилиб туринг» ўрнига «Бизга назар солинг» деган иборани ишлатишга амр қилди.